



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 27 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (12.664)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



**Мамлакатимиздаги музейлар ва уларнинг филиалларида сақланаётган тарихий илдиэларимиз ва мустақиллигимиз одимларини ўзида акс эттирувчи ноб, нодир экспонатларни асраб-авайлаш, маданий мерос сифатида келгуси авлодларга бус-бутунлигича етказиш, бунинг учун музейлар фаолиятини янада ривожлантириш долзарб вазифалардан бири.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## САНЪАТ ВА МАДАНИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залида ташкил этилган «Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!» мавзусидаги кўргазма бу борада айни муддао бўлди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган кўргазманинг очилишида музейлар раҳбарлари, ёш хунармандлар, рассомлар, Зулфия номидаги Дав-

лат мукофоти, «Нихол» мукофоти совриндорлари, халқаро санъат фестиваллари ва спорт мусобақалари ғолиблари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳошимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимиз ва санъатимизни рағбатлантириш, маънавият масканлари ҳисобланган музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улардаги нодир ашёлар, осори-атиқаларни сақлаш, ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар мустақил ва соғлом тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни ка-

молга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада музейларда сақланаётган бетакрор экспонатлар, фото ва тасвирий санъат намуналари, ёш уста, хунарманд ва меъморлар асарлари, кашта-дўзлик, миниатюра, заргарлик буюмлари кенг намойиш этилди. Шу билан бирга, уста кулол, хунарманд ва моҳир рассомлар томонидан маҳорат сабоқлари ўтказилди. Яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизнинг дунёдаги нуфузи янада орттиришга муносиб ҳисса қўшаётган иқтисоддорли, ижодкор ва спортчи ёшлар билан суҳбатлар уюштирилди.

— Бу ерда намойиш этилаётган кўп асрлик тарихий меросимиз, истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларимизни акс эттирган нодир экспонатларни кўриб, она юртимизга нисбатан фахр ҳисси янада кучайди, ўзимни маънан улғайгандек сездим, — дейди ЎЗА мухбирига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Юлдуз Зоирова. — Бундай тadbирлар биз, ёшларни Ватанга муҳаббат, азалий кадриятлар ва маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тadbирда «Нихол» мукофоти совриндорлари ижросида концерт намойиш этилди.

Дилшод КАРИМОВ  
Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган суратлар

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокурори Нгуен Хао Бинь бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров билан учрашди.**

## БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида кўплаб йўналишларда, жумладан, ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Прокуратура органлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқ асосларини кенгайтириш икки давлат бош прокуратураларининг ўзаро ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Меҳмонлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимиз прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништирилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган янги концептуал ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, жумладан, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётгани суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимининг муваффақиятли ислохот этилаётган мамлакатларимиз бош прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида улкан имкониятлар яратмоқда, — дейди Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокурори Нгуен Хао Бинь. — Бугунги самарали учрашув идораларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни изчил ривожлантириш истиқболларини белгилаш имконини берди.

Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Бобур ОБИДОВ,  
ЎЗА мухбири

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

СИАН шаҳри, 26 май.  
ЎЗА махсус мухбири Ирода УМАРОВА хабар қилади.

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон ишбилармонлари Хитойнинг Сиан шаҳрида ўтган Халқаро саноат ярмаркасида иштирок этди.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланмоқда. Юртимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошиб, ташки бозордаги ўрни мустаҳкамлашиб бормоқда.

Сианда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси мамлакатимиз ишбилармонлари учун ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга тақлиф этиш, экспорт жүргүзбасини янада кенгайтириш ва чет эллик ишбилармонлар билан сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қулай имконият яратди.

Ярмаркада Канада, Германия, Италия, Испания, Ўзбекистон, Австрия, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Эрон, Ҳиндистон каби 35 мамлакат компания ва корхоналари нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларидаги технология ва хизматлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини намойиш этди.

— Корхонамизда мажнунтол новдаларидан тўқима мебеллар, уй-рўзгор буюмлари тайёрланади, — дейди Оҳангарон туманидаги «Покизахон» хусусий корхонаси директори Зарифа Баҳодирова. — Бежирим, экологик тоза ва фойдаланиш учун қулай бўлган маҳсулотларимиз харидорлар ишончини қозонган. Мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган қатор кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этиб келамиз. Ушбу ярмарка бизга янги ҳамкорлар ва харидорлар топиш, жаҳон мебелсозлик саноати ривожининг замонавий йўналишлари билан яқиндан танишиш имконини берганидан гоят мамнунимиз.

— 2010 йилда ташкил этилган корхонамиз трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шу-

ғулланади, — дейди Андижон вилоятидаги «Joni Textil Savdo» корхонаси директори Назира Мирзаева. — Халқаро саноат ярмаркасида маҳсулотларимизни Хитой ва қўшни давлатларга экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоладик. Бу келишувлардан олинган фойда эвазига корхонамизга қўшимча технологиялар ўрнатиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш ниятидамиз.

Ярмаркага ташриф буюрганлар мамлакатимиз саноати имкониятлари билан бир қаторда сайёҳлик салоҳияти билан ҳам танишди. «City Palace», «Registon Plaza» ва «Khorazm Palace» каби меҳмонхоналар хорижнинг етакчи туристик фирмалари билан истиқболли келишувларга эришди.

— Хитойда Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонга боришни хоҳловчилар кўп, — дейди «Zaga» халқаро сайёҳлик компанияси директори Тань Ши. — Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти жуда юқори. Айниқса, Самарқанд ўз жозибаси билан дунё ахлини мафтун этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи ва ранг-баранг маданияти билан хитойликларни яқиндан таништириш мақсадида мамлакатимизга сайёҳатлар уюштиришни режалаштирганимиз. «City Palace» меҳмонхонаси раҳбарияти билан бу борада ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Халқаро саноат ярмаркаси мамлакатимиз ишбилармонлари учун самарали бўлди. Улар ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш, хорижий ҳамкасблари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, бизнес субъектларига инвестициялар жалб этиш бўйича фойдали келишувларга эришди.

(ЎЗА)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганч шаҳрида «Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Тадбир «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институти (Япония) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Германия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Япония ва Россиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги академик лицейлар раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирокида «Таълим жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш — замонавий таълимнинг бош стратегияси» мавзусида республика ўқув илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

• Нукусда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тadbиркор, хунарманд ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва яратилган инновацион ғоялар кўргазмаси бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• Буюк Британиянинг «Millward Brown Optimo» тadbirkot компанияси 2013 йилдаги энг қиммат савдо белгилари рейтингини эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг биринчи поғонасини 159 миллиард АҚШ доллари баҳоланган «Google» бренди эгаллади. Унинг қиймати 2012 йилдагига нисбатан 40 фоиз ошган бўлиб, «Google» бу борада ҳатто кетма-кет уч йилдан буён етакчиликни бой бермай келган «Apple» компаниясидан ҳам ўзиб кетган.

• Испанияда ҳар йили икки мингга яқин буқа жанги — коррида ўтказилади. Аммо икки кун аввал Мадрид шаҳридаги «Лас-Вентас» аренасида ташкил этилган шундай томоша вақтида бир йўла уч нафар матадорнинг жароҳатлангани туфайли жорий мавсумга белгиланган барча жанглار бекор қилинди.

• Филиппиннинг Себу шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғи маъмурияти сайёҳларга антиқа хизмат тақлиф қилмоқда. У ҳам бўлса, бепул масаж. Қизиқ жиҳати, уни одамлар эмас, ҳайвонот боғидаги оғирлиги 250 килограммга тенг бўлган тўртта илон амалга оширади. Аммо ҳозирча бу тақлифга ҳеч ким розилик бергани йўқ.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ва-

зирлиги билан ҳамкорликда фалсафа ва ижтимоий тараққиёт масалаларига бағишланган аънавий илмий-амалий конференция ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Тошкент шаҳрида

янги иш ўринларини яратиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масалалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Вонга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик ва миссионерлик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

**Мустақилликнинг илк йилларидан ишончи ва қулай транспорт инфратузилмасини яратиб давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Тарихан қисқа даврда қуриб битказилган халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўллари, кўприклар Ватанимизнинг иқтисодий ва маданий ривожланишини таъминлашда, халқимизнинг узоғини яқин қилишда муҳим омил бўлмоқда.**

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 220-270 километр йўл янгидан қуришда ва реконструкция қилинмоқда. Автомобиль йўллари таъминлаштириш орқали уларнинг қулайлиги тоифадан юқори тоифага ўтказилиши транспорт оқимида хизмат кўрсатиш даражасини муттабик ошираётган.

Мустақиллик йилларида қуриб, фойдаланишга топширилган 175 кўприк, 19 йўл ўтказгич каби транспорт боғланмалари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда хизмат қилаётган. Цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламали йўллар узунлиги қарийб 22 минг 650 километрга етди. Автомобиль йўлларидаги тоғли ҳудудлардан ўтадиган қисмида йўлсозларимиз бешта довол йўлини бунёд этди.

Ҳозир мамлакатимизда 184 минг километр автомобиль йўллари мавжуд. Шундан 42 минг 654 километри умумий фойдаланишдаги йўллар бўлиб, унинг 2 минг 755 километри Ўзбекистон миллий автомагистралли тармоғидир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий автомагистраль таркибига қирадиган йўллари қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг жадал амалга оширилаётгани халқро, транзит ва мамлакат ичида юк ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ташиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори йўл инфратузилмаси ҳамда сервисини таъминлаштиришда дастуруламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастурга кўра, мамлакатимизда 2011-2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон миллий автомагистралли таркибига кирувчи 2 минг 306 километр узунликдаги йўллар халқаро талаблар асосида янгидан қурилиши ва реконструкция қилиниши белгиланган. Унинг 1 минг 410 километри тўрт тасмали, 288 километри икки тасмали қилиб, цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламаси асосида бунёд этилади. Магистраль бўйлаб кўлаб кўприк ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғланмалари барпо этиш кўзда тутилган.

Қурилаётган йўл объектларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини 2013 йилда фойдаланишга топширилган Қўқон шаҳрини айланб ўтадиган автомобиль йўли мисолида ҳам қуриш мумкин. Ушбу лойиҳа туфайли Тошкент-Уш йўналишидаги йўллар 12 километрга қисқариб, асосий транспорт оқимининг Қўқон шаҳри, шунингдек, Данғара, Учкўприк, Бувайда туманлари марказларига қирмасдан ўтиши таъминланади. Бу мазкур аҳоли пунктлари экологик ҳолатининг яхшиланиши, ҳудудда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига, энг муҳими, ҳайдовчи ва йўловчилар учун кўлаб қулайликлар яратилишига хизмат қилаётган.


Дастурга асосан жорий йилда олтидан зиёд объектда 534 километр узунликдаги автомобиль йўлларида қурилиш-реконструкция ишларини бажариш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистралли таркибига кирувчи йўлларнинг 503 километри реконструкция қилинади. Ҳузур-

Бухоро-Нукус-Бейнау автомобиль йўлининг 116 километр қисмида, Тошкент-Уш автомобиль йўлининг Қамчиқ доволдан ўтувчи 100 километр қисмида ана шундай қайта қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Шу ўринда айтиш керакки, аввалги йўллар автотранспорт воситасининг битта ўқиға 10 тонна оғирлик тушишига мўлжаллаб қурилган бўлса, Ўзбекистон миллий автомагистралли таркибига кирувчи янги қурилаётган 896 километрлик автомобиль йўлларидаги қопламалари ва геометрик ўлчамлари ушбу кўрсаткич 13 тонналик меъёрга чикаришга мослаштирилди.

«Узавтойўл» компанияси корхоналари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкент-Уш автомобиль йўлининг 341-350 километр ва 450-475 километр қисмларидаги 8 километр, Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз

## РАВОН ВА ОБОД ЙЎЛЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ



автомобиль йўлининг 962-982 километридаги 20 километр автомобиль йўллари реконструкция қилинди. Компания томонидан ушбу даврда умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги таъминлаш ва хавфсиз қатновини таъминлаш борасида 171,1 миллиард сўмлик, 2013 йилнинг биринчи чорагида нисбатан 38,7 фоиз кўп йўл қурилиш, таъмирлаш, сақлаш ва таъмири ишлари бажарилди.

— Жорий йилда Инвестиция дастури асосида «Узавтойўл» компанияси таркибидagi пудратчи корхоналар томонидан 257 километр автомобиль йўлини қуриш-таъмирлаш ишлари учун 503,4 миллиард сўмлик шартномалар тузилиб, қуриш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди компаниянинг қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зиёвуддин Умаров. — Энг катта бунёдкорлик ишлари М-39 Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз, А-380 Ҳузур-Бухоро-Нукус-Бейнау, А-373 Тошкент-Уш, М-37 Самарқанд-Ашхабод халқаро автомобиль йўлларида амалга оширилди. Шу мақсадда тизимдаги корхоналар учун тўрт юз қирқдан ортиқ замонавий техника ва механизмлар харид қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Йўл қурилиши билан боғлиқ бундай кенг кўламли ишлар туфайли 2014 йилнинг 1 май ҳолатига «Узавтойўл» компанияси тизимида иш ўринлари сони 1 минг 267 тага кўпайди.

Умумий фойдаланишдаги халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида 2014 йилнинг биринчи чорагида сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича 118 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди. Жумладан, автомобиль йўллари ҳолатини сақлаш бўйича 49,8 миллиард, йўллар атрофини ободонлаштириш ишларига 1,3 миллиард, автомобиль йўлларида жорий таъмирлашга 52,8 миллиард сўм сарфланди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган 2 минг 207 донга йўл белгиси ўрнатилди, қарийб олти минг донга эскирган йўл белгиси алмаштирилди, 161 кўприкда, 748 қувурда ҳаракат хавфсизлиги таъминланди, 374 жойда пидедалар ўтиш жойи белгиланди, 111 йўл туташмалари ободонлаштирилди.

Компания тизимидаги саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналари йилга 1,5 миллион тоннадан зиёд асфальт-бетон ва қоришмалар, 30 минг метр кубдан ортиқ темир-бетон конструкцияларини автомобиль йўллари ва улардаги сунъий иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишлари учун етказиб бермоқда.

Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Қўйлик кўприклар темир-бетон қурилмалар таъмир-бетон заводида 30,1 минг тонна йўл таъмир-бетон конструкциялари ва жиҳозлари, асфальт-бетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тошйўлсаноат» корхонасида 4,1 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди ва буюртмачиларга етказиб берилди. 2015 йилгача компанияга қарашли 24 корхонанинг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизациялаш режалаштирилган бўлиб, бу кўлаб янги иш ўринлари яратишга, тармоқни жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

— Компанияга қарашли корхоналарда иш сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 444 энг замонавий йўл қуриш ва сақлаш техникаси харид қилиш режалаштирилган, — дейди УЗА муҳбирига компаниянинг автомобиль йўлларида фойдаланишнинг транспорт ва механизация ҳамда техника таъминлаш бошқармаси бош мутахассиси Отаназар Жуманиёзов. — Соатига 100 тонна асфальт-бетон қоришмаси ишлаб чиқарувчи ускуналар, зичлағичлар, металлга ишлов берадиган ва айланма барабанли машиналар, автогрейдер, экскаватор ҳамда автогудронаторлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон миллий автомагистралли лойиҳаси таркибига қирадиган цемент-бетон қопламали 474 километрлик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳозирги сармоялар ҳам кенг жалб этилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланган. Бу юртимизда йўл қурилиши соҳасида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларининг изчил давом этишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундан ташқари, компания таркибидagi корхоналар томонидан маҳаллий аҳамиятга эга ички йўллари қуриш ва ободонлаштириш бўйича 143 миллиард сўмлик иш бажарилиши режалаштирилмоқда. — Ўзбекистонда йўл қурилишда кўлаб аҳолига ёндоқ бўлиб қолган йўл қурилиш шохобчалари, авария-чакирув ва тиббий тез ёрдам хизмати пунктлари, автомобиллар тўхташ майдонлари, сайёҳлар учун меҳмонхоналар ҳамда туризмнинг барча талаб ва шароитларига эга уч юзга яқин объект қурилди. Бу йўл инфратузилмаси ва сервисини янада ривожлантиришда, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Сайёра ШОЕВА

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда барча соҳаларда ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиб бораётган. Натижада бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб, экспорт кўлами кенгайди. Бунда албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти вакилларининг ўрни бекиёс. Ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигининг каттагина қисми улар ҳиссасига тўғри келади.**

Шу боис давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан соҳа вакилларига қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан уларни хабардор этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган «Тадбиркорлар куни» тадбирини ташкил этиб келмоқда.

Шундай тадбирлардан навбатдагиси «Тошшаҳар-трансхизмат» акциядорлик компаниясида бўлиб ўтди. Унда Адлия, Солиқ, Божхона, Марказий банк, Ер ресурслари ва давлат кадастри, Стандартиштириш ва метрология, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари вакиллари, бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбир давомида Адлия, Солиқ, Божхона бошқармаларидан келган вакиллар тадбиркорларга соҳага оид қонунлар мазмун-моҳиятини тушунириш билан бирга солиқ ҳамда божхона тўловларидаги энгилликлар билан таништирилди.

— Баъзи бир ишбилармонларимиз мавжуд имтиёزلардан хабардор бўлмаганликлари учун айрим қийинчиликларга дуч келмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоатчилик кенгаши масъул котиби Ҳасан Мадаиев. — Бу каби йиғилишларда улар қонун ҳужжатларидан хабардор бўлиш билан бирга яратилган имкониятлар ҳақида ҳам маълумотлар оладилар. Уйлайманки, бу уларнинг фаолияти ривожига яхши таъсир қилади.

Йиғилишда кичик бизнес субъектлари вакилларида банк, ҳам ашё маҳсулотларини сотиб олиш, солиқ ва божхона тўловларини амалга оширишда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимини борасида фикр-мулоҳаза юритилди.

Абдуалим САЛИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги Фармони орқича бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмни таъминлаштириш ҳисобида республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш борасида муҳим омил бўлмоқда.**

Шунингдек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида замонавий коммуникация технологияларининг миллий дастурий маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда, давлат статистика, солиқ ва божхона хизматларида юридик шахслар томонидан топширилган ҳисоботларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилган эди.

Мазкур йўналишда Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бухгалтерларининг ҳисоботларни электрон тартибда тақдим этиш тизими билан боғлиқ билим ва кўникмаларини ошириш, уларга бу борадаги ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш механизмни таъминлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик субъектлари раҳбари ва бухгалтерларининг солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон тартибда топшириш тизими билан боғлиқ билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида туманда йил давомида, доимий равишда ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини кўргазмалар, семинарлари ташкил этилган.

Тасдиқланган солиқ ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдирish тартиб-қоидаларининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz), [www.hisobot.uz](http://www.hisobot.uz), ва [www.otchet.uz](http://www.otchet.uz) интерактив хизматлар сайтларида жойлаштирилган. Ушбу сайтлар орқали солиқ тўловчиларнинг мустақил равишда солиқ ҳисоботларини шакллантириб, электрон кўринишда солиқ органларига жўнатишлари имкониятлар яратилган.

Солиқ

## ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР УСУЛ

Хисоботларни электрон тарзда тақдим этишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Масалан, бухгалтер ҳисоботини, аввало, қаерда бўлишидан қатъи назар, куннинг исталган вақтида жўнатиш, унинг қабул қилинганлиги ёки йўқлиги ҳақида хабарнома олиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, бунда ҳисоботни такроран қозғош кўринишда тақдим этиш шарт эмас, ҳисоботларнинг янги шаклларига тезкор кириш мумкин. Маълумотлар эса юз фоиз махфий сақланади.

Давлат солиқ хизмати органлари билан электрон тарзда боғланишнинг яна бир афзаллиги шундаки, ҳисоботни электрон кўринишда жўнатиш кичик каммерал назорати вазифасини ҳам ўтайди. Яъни, тўлдирилиши шарт бўлган рекевизитлар ёзилмаган

ҳолдаги ҳисобот жўнатилмайдиган, бухгалтер томонидан хатога йўл қўйилган тақдирда эса, у автоматик тарзда қайтади.

Интерактив хизматлардан фойдаланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сонининг кўндал-кунга ортиб бориши Давлат солиқ қўмитасининг интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун қулай восита эканлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги фармонда 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектларининг статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқинча ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари учун иш вақтини тежаш, қозғош кўринишдаги ҳужжат айланишининг камайиши ҳисобида ҳаражатларни қисқартиришга ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда ахборотларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштириб, бюджет олдидagi солиқ мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида тезкор маълумотлар олиш имкониятини яратди.

А.КАРИМОВ,  
Бектемир туман  
ДСИ бошлиғи

## 2014 йил — Соғлом бола йили

## ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида болаларни тиббий хизмат турлари билан таъминлаш тизими, ҳолати ва истиқболлари бағишланган видео-конференция ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Д.Аҳмедова ва бошқалар ёш авлоднинг соғлом тафаккурли этиб вояга етказиш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантириш масалалари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий камол топишига яқиндан кўмаклашишга оид ишларни янада қучайтириш муҳим вазифалардан этиб белгиланган.

Мамлакатимиздаги 4962 мактабгача таълим муассасаси ва 9739 умумтаълим мактабида ташкил этилган тиббий хизмат хоналарида малакали мутахассислар фаолият юритаётган.

Анжуманда таъкидланганидек, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий маданиятни мустаҳкамлаш борасида белгиланган режаларнинг ижроси таъминланмоқда. Янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётган. Соғлиқни сақлаш муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган. Бу борадаги ишлар самарадорлигини таъминлашда бирламчи тиббиёт муассасаларининг ўрни ва масъулияти янада ортмоқда.

Онлайн мулоқотда бу йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Ёш авлоднинг ўз соғлиғига бўлган эътиборини қучайтириш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ҲАРБИЙ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида «Таълим жараёни ва касбий фаолиятда ахборот коммуникация технологиялари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари бош бошқармаси ҳамда Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасидан вакиллар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари тизимидаги олий таълим муассасалари, Солиқ академияси, Олий ҳарбий божхона институти курсант ва тинловчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор А.Қўлдошев ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини ва бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил март ойида қабул қилинган шу йўналишдаги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтти.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори олий ҳарбий билим юртларида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда тинловчи ва курсантларга билим берилмоқда. Осиё-ишталогимиз посбонларининг замонавий технологиялардан хабардорлиги, бу борада чуқур билим ва малакага эга бўлишлари юрт тинчилигини сақлашда, фавақулда ҳолатларда тезкорлик билан ҳаракатланишларида катта ёрдам беради.

— Мактабимиздаги ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларига алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби Технологик жараёнларнинг ёнгин хавфсизлиги кафедраси бошлиғи, подполковник Улугбек Ёкубов. — Лаборатория машғулотларининг кўпгина қисмининг виртуал-мултимедиа дастурлари орқали ўтказилиши ташкилланган. Ёнгин хавфсизлиги ходимларидан тезкорликда ҳаракатланиш талаб этилади. Бунда эса замонавий технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради.

Конференцияда иштирок этган олий ҳарбий таълим муассасалари вакиллари таълим даргоҳида замонавий ахборот коммуникация технологияларини ўқув жараёнида татбиқ этишга оид маърузалар қилишди.

Тадбир доирасида ёнгин хавфсизлиги хизмати учун ишлаб чиқилган янги GPS навигация тизими намойиш этилди.

Абдували СОДИКОВ

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2013» танловини эълон қилади

Хурматли ҳамкасблар!

Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгариллаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир доvon ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесилган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривож, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти – 2013» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти – 2013» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирларида топширилади.

**Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти – 2013» танловида деб кўрсатилган ҳолда қуйдаги манзилга юборилиши лозим:**

Тошкент шаҳри, 100129,  
Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

3-қават, 30-, 35-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.

www.journalist.uz



## ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР РАФАТЛАНТИРИЛДИ

**Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, жумладан, эҳтиёжманд болаларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, қизиқишига кўра касб-ҳунар эгаллаш, жамиятга фаол интеграциялашуви учун зарур шарт-шароит яратиш доний эътиборда.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ва «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва ижтимоий реабилитация қилишга доир ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Кўнгиллилар дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллилик» қўшма лойиҳаси ҳамкорлигида имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Моҳир ҳунарманд» ижтимоий мактаб лойиҳаси доирасида «Қовоқ буюмлари» ва «Тўқувчилик» тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда имконияти чекланган болаларга бичиш-тиқиш, тўқиш, расм чизиш, қовоқдан буюмлар ясаш сирлари ўргатилди.

Пойтахтимиздаги 87-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда мазкур лойиҳа иштирокчилари ясаган маҳсулотлар намойишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. «Моҳир ҳунарманд» лойиҳасига ушбу муассаса тарбияланувчилари ҳам жалб этилган.

Машгулотлар давомида анъанавий ва замонавий буюмлар ясаш ва тўқиш усуллари ўргандик, – дейди мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Темурабдурахимов. – Тайёрлаган буюмларимиз ота-онамизга ҳам, устозларимизга ҳам манзур бўлмоқда. Бизни мустақил ижодий фаолиятга ва ташаббускорликка йўналтираётган устозларимиздан миннатдоримиз.

Тадбирда имконияти чекланган ўғил-қизлар учун жорий этилган махсус фанлар уларга турли қийинчиликларни енгиш, ўз фикрини билдириш ва бошқалар билан мулоқот қилишга ёрдам бераётгани таъкидланди. Шу билан бирга, машгулотлар уларга касб танлаш, мустақил меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш имконини бераётгани алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда лойиҳа иштирокчиларига дипломлар топширилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,

ЎЗА мухбири

Отабек Мирсоатов олган сурат

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ИЛМИЙ АНЖУМАН

**Республикада соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар тиббиётнинг турли соҳаларининг янада тараққий топишига замин яратмоқда, айниқса бу соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида аҳолига шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишларида сифатли ва юқори технологияли ташхис ва даволаш услубларини қўллаш ҳамда аҳоли орасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш масалаларида ўз ифодасини топтоқда.**

«Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши», – дейди доно халқимиз. Шаҳар врачлар малакасини ошириш институтида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мазкур институт томонидан ташкил этилган «Валеология ва уни соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш» мавзусида ўтказилган республика ил-

мий-амалий анжуманида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Дарҳақиқат, шифокорнинг вазифаси энг аввало соғ одамнинг саломатлигини сақлаш ва турли касалликларнинг олдини олишга йўналтирилади, сўнгра даволаш ишларига эътибор қаратиш мақсада мувофиқдир. Ҳозирги кунга келиб, соғлиқни сақлаш тизимида фақат даво-

лаш ишларига эмас, балки соғломлаштириш тиббиётига катта эҳтиёж пайдо бўлди, натижада 2006 йилда саломатлик ҳақидаги фан валеология тиббий предметлари каторидан ўрин олди. Республикада илк мартабада 2014 йил январь ойида Ўзбекистон валеология-шифокорлар ассоциацияси ташкил топди.

Ҳозирги кунда Тошкент врачлар ма-

лакасини ошириш институтининг валеология кафедрасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришнинг замонавий валеология тамойиллари яратилган бўлиб, республикамизнинг барча шифокорлари валеология фанидан билим ва малакаларини ошириб келмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори Эльвира Маракаева, шаҳар врачлар малакасини ошириш институти валеология кафедраси мудири Шухрат Иргашев ва бошқалар бугунги кунда болалар спортида энг долзарб масалалардан бири – валеологиянинг аҳамияти, кейинги пайтларда болалар спортини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар, умуман бугунги кунда тиббиётда валеологиянинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини таъкидлаб ўтишди.

Конференция якунида барча қатнашчиларга сертификатлар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

## Тадбирлар

## ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Шарқ тиллари фестивали» бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган бўлиб, унда Шарқ мамлакатларининг маданияти намойиш қилинди.

Тадбирни ЎзДЖТУ ректори Шухрат Қайюмов ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши раиси М. Ҳошимов очиб берди. Фестиваль доирасида япон, форс, корей, турк, араб, хитой, индонез ва ҳинд гуруҳларининг талабалари томонидан ана шу мамлакатларнинг урф-одатлари, миллий таомлари, кийим-либослари, миллий рақслари кўрсатиб берилди.

Ҳар бир Шарқ мамлакатининг маданиятини намойиш этаётган иштирокчилар гуруҳи ўша халқнинг адабий тилида жонли ихродаги қўшиқ, шеър айтиб, нутқ сўзладилар.

Ширинхон МҲМИНОВА,

ЎзДЖТУ талабаси

**Шаҳримизда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедраси доценти, Зулфия нонидаги давлат мукофоти совриндори Ойдин Абдуллаеванинг синф концерти бўлиб ўтди.**

## ОҲАНГЛАРДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ

Унда О.Абдуллаеванинг иқтидорли шогирдлари ўзбек, жаҳон классик ва эстрада йўналишларида яратилган асарлар ихроси орқали ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Ёш бастакорлар орасида «Ниҳол» мукофоти совриндори, Халқаро ва республика танловлари ғолиби, консерваториянинг иккинчи босқич талабаси Қасрамон Ғуломжоновнинг фортепиано учун «Соната» асари муаллиф томонидан моҳирона ижро этилган томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ойдин Абдуллаеванинг иқтидорли шогирдларидан яна бири – иккинчи босқич магистри Шерзод Собировнинг Д.Шостакович хотирасига бағишланган «DSCH» мис дамли

чолғулар учун квинтетти концертга ўзгача руҳ бағишлади.

Рўзгор минг пардали соз, бу пардаларга аёл бармоқлари теккандагина «Ҳаёт» номи куй яради деб бежизга айтишмаган. Бу концертдан хулоса қилиб шуни айтмаймики, Ойдин Абдуллаева нафақат жонқуяр устоз ва маҳоратли бастакордир. Унинг ижодини нафақат республикамизда, балки дунё миқёсида ҳам тан олишган. Бунинг ақол исботини унинг шогирдлари яратётган асарларини тинглаганимизда ҳам сезишимиз мумкин.

**Хуршида АБДУЛАЗИЗОВА,**  
Ўзбекистон Давлат консерваторияси  
Шарқ мусикаси факультети 3-босқич  
талабаси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдо-ларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 1 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан, ЖИБ Ҳамза туман судининг 2013 йил 26 июль кунги 1-382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Риёзга кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1387,05 кв.м., қурилиш ости майдони 1272,80 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган уч қаватли уй-жой. Бошлангич нархи – 2 265 354 282 сўм.

II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2013 йил 14 март кунги 8/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи 1-тор кўчаси, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 800 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 171 167 130 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи (аввалги Черкасский) 1-тор кўчаси, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 456 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 195 582 240 сўм.

2014 йил 17 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

I. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор туман судининг 2013 йил 8 октябрь кунги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар мулкий мажмуа сифатида савдога қўйилган:

● Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м. бўлган маъмурий бино. Бошлангич нархи – 2 177 064 750 сўм.

● Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси. Бошлангич нархи – 16 135 919 сўм.

● Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси. Бошлангич нархи – 8 833 723 сўм.

● Блок «А3», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси. Бошлангич нархи – 89 147 398 сўм.

● Блок «В», умумий майдони 15 145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич нархи – 7 081 712 222 сўм.

● Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейтраллаш биноси. Бошлангич нархи – 103 268 682 сўм.

● Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси. Бошлангич нархи – 82 955 561 сўм.

● Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 343 489 433 сўм.

● Блок «Ж», умумий майдони 1 891 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 1 027 216 664 сўм.

● Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 11 324 268 сўм.

● Блок «З», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган иссиқхона иншоот. Бошлангич нархи – 485 593 187 сўм.

● Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган контора биноси. Бошлангич нархи – 62 530 262 сўм.

● Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қозонхона биноси. Бошлангич нархи – 13 209 800 сўм.

● Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 35 938 140 сўм.

● Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси. Бошлангич нархи – 2 182 350 784 сўм.

● Блок «П1», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси. Бошлангич нархи – 127 427 978 сўм.

● Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 9 861 975 сўм.

● Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 5 341 336 сўм.

● Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган насосхона биноси. Бошлангич нархи – 159 250 779 сўм.

● Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 10 301 796 сўм.

● Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м. бўлган вентиляция биноси. Бошлангич нархи – 981 922 489 сўм.

● Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси. Бошлангич нархи – 125 213 861 сўм.

● Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 18 026 512 сўм.

● Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 47 489 015 сўм.

● Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 5 692 669 сўм.

● Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қоровулхона биноси. Бошлангич нархи – 6 449 535 сўм.

● Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 348 585 952 сўм.

● Блок «Ч», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангар биноси. Бошлангич нархи – 33 503 233 сўм.

● Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 176 867 800 сўм.

● Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 21 266 717 сўм.

● Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи биноси. Бошлангич нархи – 2 228 177 сўм.

● Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 8 324 867 сўм.

● Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 17 320 802 сўм.

● Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 173 700 782 сўм.

● Блок «Б», умумий майдони 19 205 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич нархи – 8 890 147 213 сўм.

● Блок «И», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 762 907 889 сўм.

● Блок «Б1», умумий майдони 72 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган навес. Бошлангич нархи – 7 345 471 сўм.

● Блок «Л», умумий майдони 320 кв.м. бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган сушилка биноси. Бошлангич нархи – 56 637 583 сўм.

● Блок «Ю2», умумий майдони 1 851 кв.м. бўлган навес. Бошлангич нархи – 142 678 972 сўм.

● Блок «У», умумий майдони 161 кв.м. бўлган ёнғиндан сақлаш биноси. Бошлангич нархи – 50 434 131 сўм.

II. Чиланзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 август кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони. Бошлангич нархи – 52 756 200 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони. Бошлангич нархи – 52 756 200 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 22Б-уйда жойлашган, умумий майдони блок «Б» 1288,0 кв.м. бўлган, 2-қаватли бинодан иборат бўлган «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси». Бошлангич нархи – 1 581 570 900 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар ҳафтангич рақамий иш кўнлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кўни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истиада бўлган талабдорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун апоҳиди тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

## Билдириш

«Тошкент очқоми» газетасининг 2014 йил 8 май кунги 91-сонда хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 18-мавзе, 31-уй, 38-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Юнусов туман Суд ижрочилиги бўлимининг 2014 йил 19 май кунги хатига асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

## «Осиё чемпионати — 2014»

**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 25 май кунини таэквондо (WTF) бўйича XXI ва таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатлари бошланди.**



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

ЭНГ КУЧЛИ ТАЭКВОНДОЧИЛАР  
ТОШКЕНТДА БАҲСЛАШМОҚДА

Осиё таэквондо иттифоқи, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда қўғамизнинг ўттиздан зиёд мамлакатидан 400 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 25 май кунини таэквондо бўйича XXI ва таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Чорлов садолари остида майдонга мусобақаларда қатнашадиган давлатлар вакиллари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

– Ўзбекистонда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар бугун халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда, – деди Осиё таэквондо иттифоқи президенти Ли Кю Сок. – Мамлакатингизда ҳар қандай нуфузли тадбирни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида спорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараларидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон юксак спорт салоҳиятига эга мамлакатдир. Ўртимизда қатор спорт турлари бўйича нуфузли мусобақалар ташкил этилаётди, спортчиларимиз жаҳон ареналарида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Таэквондо – Олимпия спорт турлари орасида энг тез омалашаётган спорт турларидан.

2010 йили пойтахтимиз таэквондо «Пумсе» бўйича V жаҳон чемпионатида медалларни қўлга киритди. Юқори савияда ташкил этилган нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзолари иккитадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

Бугун мамлакатимизда йигирма мингдан ортиқ ўғил-қиз таэквондо (WTF) билан мунтазам шугулланмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг таэквондо бўлимида маънавий мураббий ва мураббиялар тайёрланаётди. Олимпия заҳиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабларидаги таэквондо бўлимлари, қатор спорт секциялари маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йил-

да Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтadиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси раҳбарияти минтақавий федерациялар фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, машғулот ва мусобақаларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун шароит яратиш, халқаро майдонда юксак натижалар қўрсатишга қодир истеъдодли спортчилар селекциясини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Бунинг натижасида спортчиларимизнинг халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи тобора ошиб бораётди. 2013 йилда таэквондочиларимиз Германия, Жанубий Корея, Россия каби давлатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида Фанижон Хуриллоев ва Динора Мамадирихимова бронза медални қўлга киритди.

Таэквондочиларимиз жорий йилда Бирлашган Араб Амирликлари ва Мисрда ўтказилган нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, бешта кумуш ва учта бронза – жами тўққизта медал соҳиби бўлди. Хитой Тайпейида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ва жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган II ўсмирлар Олимпия ўйинларида йўлланма берувчи турнирда муносиб иштирок этди.

Нуфузли мусобақанинг ўсмирлар Олимпиядасига лицензия берувчи турнирда Умидда Абдуллаева олтин медални қўлга киритди ва ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Жаҳон чемпионатида иштирок этган яна бир спортчимиз Валентин Хегай бронза медал билан тақдирланди.

Пойтахтимизда бошланган таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионатида 12 нафар, таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатида эса 16 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг биринчи кунда таэквондо «Пумсе» бўйича ўтказилаётган баҳсларнинг дастлабки ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Мусобақада муносиб иштирок этган тажрибали спортчимиз Раҳим Ҳожиматов фахрийлар ўртасидаги баҳсда олтин медални қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик баҳсида Антон Кан ва Марина Ким Осиё чемпиони бўлди.

Катталар ўртасидаги баҳсда Баходир Аловхонов бронза медал билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ  
– ХАЛҚАРО ТУРНИР  
ҒОЛИБИ

**Тошкентда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Saravan» халқаро турнири якунланди.**

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Чехия, Латвия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Исроил, Хиндистон, Италия, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизда қизларга хос спорт турлари, жумладан, бадий гимнастиканинг жадал омаллашишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадий гимнастика тўғрақлари фаолият юритмоқда. У ерда нафис спорт турининг силарини ўрганаётган гимнастикачи қизлар жисмонан ва маънан соғлом улғайиш баробарида, нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчилар бўлиб тарбияланмоқда.

Бу пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари спорт мактабига ўтказилган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Saravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Уч кун давом этган мусобақалар сўнггида яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича баҳслар ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, ижро маҳорати, мусиқа ва ритмни ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

«Happy Saravan» халқаро турнири гуруҳлар ўртасидаги алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган финал мусобақасида гимнастикачиларимиз муносиб иштирок этди. Булава ва халқа ёрдамида машқ бажарган Комила Рустомова, Фарангиз Аҳмедова, Сабрина Рамзанова, Гузэл Райманова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевдан иборат гуруҳ олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Мазкур баҳсларда Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Қудратуллоева, Юлия Нуштаева ва Елена Грубовадан иборат гуруҳ иккита бронза медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирининг яккаликлар ўртасидаги баҳсларида иккитдорли спортчимиз Анара Давлатова булавада, Нилуфар Шомуродова тўп билан машқ бажаришда бронза медални қўлга киритди.

«Happy Saravan» халқаро турнирида Россия, Озарбойжон, Исроил ва Хитой терма жамоалари аъзолари ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова булавада машқ бажаришда бронза медал билан тақдирланди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт билан якунланди.

**Б.АЙТУРДОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



UZTELECOM

## Хурматли мижозлар!

**«Ўзбектелеком» АК «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали сизларга шуни маълум қилади:**

Телекоммуникация тармоқларини оптималлаштириш ва қўрсатилаётган алоқа хизматларини яхшилаш мақсадида Янгиобод телефон боғламаси томонидан жорий йилнинг май ва июнь ойлари давомида 293-ЭАТС рақам ҳажмларини телефон рақамлашнинг бошқа диапазонида ўтказиш бўйича режали ишлар олиб борилади.

Ўтказиш ишларидан сўнг телефон рақамларига ўзгаришлар киритилди, шунингдек, ушбу ишлар жараёнида алоқа хизматида узилишлар пайдо бўлиши мумкин ва бундай ноқулайлик учун олдиндан узр сўраймиз.

**Маълумот учун телефонлар: 297-39-99, 297-29-99.**

**«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичида босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилди!**

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Қўйиб т. СИБ томонидан 10.03.2014 й. № 2984/9-сонли и.х.га асосан 1990 й. и.ч. «Ваз21063» д.р. 10Т233АА. Бошланғич баҳоси – 7035782 сўм. «Бекзод Ягона сервис» Ж/К. омборида сақланмоқда. 2. Қўйиб т. СИБ томонидан 28.05.2013 й. № 226/13-сонли и.х.га асосан 2006 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01К530МА. Бошланғич баҳоси – 21327336 сўм. «Кронмакс Эксплэз» МЧЖ омборида сақланмоқда. 3. Қўйиб т. СИБ томонидан 05.06.2013 й. № 237/13-сонли и.х.га асосан 1999 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10902НАА. Бошланғич баҳоси – 12931340 сўм. УзР ФА Генетика институти омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 11 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида иккита ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Тафаккур 1 тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Ғувоҳнома № 007558.

**В. Успенский номидаги РИМАЛ 2014-2015 ўқув йили учун 1-синфга ўқувчилар қабулини эълон қилади. Ҳужжатлар 30 майгача қабул қилинади. Имтиҳон 2 июнда бўлиб ўтади.**

Манзил: 100047, Тошкент ш., Тараққиёт к, 71.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва  
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 28 май кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 ва 29 май эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиллишига имконият яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фаз қўлайиши тахмин қилинмоқда. Ифлосланиш тағмиқдори паст бўлади.

**Ботирбек ТЕМИРБАЕВ,**  
**Мирзо Улугбек ТИИБ ЁХБ**  
**инспектори,**  
**кичик сержант**

Шаҳар Фавқуллода вазиятлар  
бошқармаси фаолиятиданКОРХОНАДА МАХСУС ТАКТИК-  
ЎҚУВ МАШҚИ

**Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг хавфсизлигини таъминлаш, уларни юзага келиши мумкин бўлган турли кўринишдаги кўнгилсиз ҳолатлардан огоҳ этиш борасида турли тақдирлар билан ҳамкорликда қатор муҳофиза тадбирларини режа асосида олиб бормоқдалар.**

Жумладан, яқинда «TOSHKENTDONMANSULOTLARI» ОАЖда «Табий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлар содир бўлганда ҳамда террорчилик-қўпуровчилик ҳуружларида, ёнгин, зилзила билан боғлиқ ФВнинг оқибатларини бартараф этишда ФМ тузилмаларининг ҳаракати» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Олти босқичдан иборат ўқув машқи шарҳига кўра, корхона навабчиси мавжуд алоқа воситалари орқали юзага келган фавқуллода вазият ҳақида хабар бергач, Фуқаро муҳофазаси тузилмалари фавқуллода вазиятни чегаралаш ва бартараф этиш ишларини олиб боради.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Радиацион, химёвий, биологик (бактериологик) муҳофиза бўлими бўлинима бошлиғи оддий аскар Хуриш Икромов ҳамда қўғарув кучлари бўлими бошлиғи хизматчи Отабек Хушвақтовлар назоратда ўтказилган тактик-махсус ўқув машқи давомида жами юздан ортиқ киши ва 7 та техника иштирок этди.

Тактик махсус ўқув машқи натижаларига кўра, «TOSHKENTDONMANSULOTLARI» ОАЖнинг раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилишга тайёр деб баҳоланди.

**Азамат СУЙОНОВ**

**Қиши билан интиқ бўлиб қутилган майсалар баҳорда кўзни қувонтириб кўкка бўй чўзгани сари иссиқ ёзнинг тафти ҳам яқинлашади ва ўз навбатида, кўм-кўк бўлиб дилларга ором бахш этган майсалар ёзнинг иссингидан қуруқ ўт деб номланувчи, ёнгинлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлувчи омилга айланиб боради.**

## «101»

ТАБИАТНИ АСРАШГА ҲАР  
БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Баъзилар аҳоли яшаш уйлари атрофларида, кўча майдонларида, масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларининг махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиш лозимлигига кўпда ҳам эътибор бермасдан осонгина ёқиб юборишга ҳаракат қилишади. Оқибатда эса, арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болалар шўхлиги, кўчада гўгурт ўйнаб оловдан ўзбошимчилик билан фойдаланиш натижасида катта талафотларга олиб келувчи ёнгинлар келиб чиқади.

Аҳоли яшаш уйлари атрофларида, масканлар ҳудудларида йиғилган чиқиндилар, қуриган ўтлар, шох-шаба-

ларнинг ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханларнинг ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз хид тарқалиши баъзи инсонларда турли аллергик ҳасталикларнинг кўзғалишига ҳам сабаб бўлади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш жойида, унинг атрофларида, корхона-ташқиловларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий равишда амал қилиши жоиздир.

**Ботирбек ТЕМИРБАЕВ,**  
**Мирзо Улугбек ТИИБ ЁХБ**  
**инспектори,**  
**кичик сержант**

**Тошкент Оқшом**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95,  
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
12091 нускада босилди.  
Қозғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
Д. Исроил

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚМОНОВ